

Бугун кўпчилик тиббиёт ходимлари Марям Султонмуродова номини умуман эшитмаган бўлишлари мумкин. Чунки, у катагон даври жабрдийдаларидан бири. Аслида Марям Султонмуродова Германияда ўқиган, Европа дипломини Ўзбекистонга олиб келган биринчи хамшира эди. Аммо унинг умри катагон даври камокхоналарида, таъкибу тазйикларда кечди. Марямхон 1905-йил Урганчдаги Чандиркиёт кишлоғида тугилган. Отаси Жуманиёз Султонмуродов Черников деган заводчи бойнинг Урганч шаҳридаги пахта тозалаш заводида ишларди.

Жуманиёз Султонмуродов 1916-йилдаги чор мустамлакачилигига қарши бўлиб ўтган халқ кўзғолонида фаол катнашган. Феврал ва март ойларида генерал Галкиннинг Тошкентдан келган олти минг кишилик қўшини кўзғолонни аёвсиз бостиргач, кўпчилик катори у ҳам қочишга мажбур бўлади. Қорақалпоқлар орасида ва Тошкентда мухожирликда юрган Жуманиёз Султонмуродов 1916-20-йилларда Хива хони ва мустамлакачиларга қарши бўлган «Ёш хиваликлар» ҳаракатининг фаолларидан Полёзхожи Юсупов, Бобоохун Салимовлар билан танишиб, улар билан бирга истибдодга қарши курашади. Нихоят 1920-йилнинг феврилида «Ёш хиваликлар» большевиклар мададига таяниб, Хива хонлигини тугатадилар ва Хоразм Халқ Республикасини ташкил этишади. Янги ташкил топган бу Республиканинг муваққат ҳукумат раиси этиб эса ташкилотчи ва жасур инсон Жуманиёз Султонмуродов тайинланади.

Ана шундай фидойи инсоннинг кизи бўлган Марям ҳам тараккиётга интилиб яшарди. Отаси мухожирликда юрган пайтларда Тўрткўл ва Тошкент мактабларида ўқиган Марям 1920-21-йилларда Оренбургга бориб, педагогика институтида таҳсил олади. 1922-йилда эса Германияда ўқиш имконияти пайдо бўлади ва Марям ҳам кўпгина ёшлар катори Германияга илм-фан сирларини ўрганиш учун кетади.

«Туркистон» газетасининг 1923-йил 29 июл сонидagi бир мақолада ёзилишича, Марям Султонмуродова Германияда ўз таъминоти ҳисобидан таҳсил олган. Яъни, ўша вақтдаги Хоразм Халқ Республикаси унинг учун пул ажратмаган. Олти йил давомида хорижда ўқиш Марямхонга осон кечмаган. Эртой таҳаллусли ижодкорнинг «Туркистон» газетасининг 1924-йил 2 сентябр сонида эълон қилинган мақоласида бу тўғрида шундай ёзилади: «...Хивалик Марямхон моддий томондан яхши таъмин қилинмагани учун йўлларида кўп чатокликлар кўради. Чиндан ҳаёт хотини бўлмок ва Туркистонда қолган опа-сингилларимизнинг истикболи учун ҳеч ким кўрсатмас қаҳрамонлик қилиб келган қимматли кизимизга Хоразм жумҳуриятимизнинг шундай совуққонлик билан қарашига Туркистон ёшлари таассуф этолмай туролмайдурлар».

Марямхон қийин шароитларда яшашига қарамай, 1922-26-йилларда Берлин ва Дармштат шаҳарларидаги ўқувчилар семинарийсида ўқиб билим олади. 1926-27-йилларда эса Берлин мактабларида амалий машғулотларни ўтайди. 1927-28-йилларда Берлиндаги профессор Финкельштейн номидаги касалхона қошида тиббий хамширалар тайёрлаш курсларида ўқийди.

1928-йилда ватанига қайтган Марям Султонмуродова Тошкентдаги кечки коммунистик университетда бўлим мудири, «Ёрқин турмуш» («Саодат») журналида адабий ходим бўлиб ишлайди. Қатор ҳикоя ва очерк-лар ёзади, рус ва немис адабиётидан таржималар қилади.

Бирок, хорижда олган билимларини ўз ватанида илму фан истикболи учун йўналтиришни истаган Марямхоннинг қувонч ва орзу-умидлари узокка бормади. 1937-йилнинг 13

сентябрида у аксилинкилобий фаолиятда айбланиб, Тошкент шаҳрида ҳибсга олинади. Марям Султонмуродовага Германияда таҳсил олган даврида «Озод Туркистон» деган жосуслик ташкилотига аъзо бўлганлик айби қўйилади. Бу пайтда Саттор Жаббор, Абдувоҳид Муродий, Хайринисо Маҷидхонова сингари қўплаб хорижда таҳсил олиб қайтган ёшлар ҳам ҳибсга олинган, айримлари отиб ташланганди. Марям Султонмуродова ҳибсга олинган вақтда ўттиз икки ёшда бўлиб, Пулат исмли етти яшар ўгли ва Анор исмли эмизикли чакалоги бор эди.

Ўн бешг йил камокда

1938-йилнинг 9 октябр куни Тошкент шаҳрида Олий суд ҳарбий хайъати сайёр сессиясининг ёпик суд мажлисида Марям Султонмуродовани жиноят процессуал мажмуасининг 14-54- ва 67-моддаси билан айблаш бўйича иш қўрилиб, мазкур мажмуанинг 128- ва 131-моддаларига биноан Мар-ям Султонмуродова ўн йил камок жазосига ҳукм этилади, беш йил муддатга сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этилади. Марямхон гўдақларини кайнонасига ташлаб, то 1947-йилнинг 13 сентябрига қадар Козон, Суздаль камокхоналарида, кейин НКВДнинг Колимадаги Дальстрой лагерида жазони ўтайди.

Нихоят, муддатни ўтаб Хоразмга қайтган Марямхон ўз кишлоғида эндигина ишга киришганда, 1949-йилнинг 29 мартида яна ҳибсга олинади. Ўша вақтда Марям Султонмуродовани ҳибсга олиш ҳақидаги қарорда бундай дейилади: «М.Султонмуродова 1922-28 йилларда Германияда ўқишда бўлганида таникли миллатчи, муҳожирлар йўлбошчиси Мустафо Чўкай ва Олимжон Идрисийлар томонидан тузилган ва раҳнамолик килинган миллатчи жосуслар ташкилоти бўлмиш «Озод Туркистон» ташкилотининг аъзоси бўлган. 1927-йил М.Султонмуродова кейинчалик советларга қарши миллатчилик фаолияти учун ҳукм килинган ва отиб ташланган Хайринисо Маҷидхонова билан бирга Берлиндан Парижга борган ва у ерда ашаддий миллатчилар М.Чўкаев ва Аҳмад Нойимлар билан учрашган. Баён этилганларга асосланиб, Урганч райони Янгибозор кишлоқ шўросида ишлаб ва яшаб турган Марям Султонмуродова ҳибсга олинсин ва уйи тинтув килинсин».

Хуллас, 1949-йилда ҳам унга яна эски айблар: «миллатчилар билан учрашганлик ва жосуслик» айби қўйилиб, 29 март куни қайтадан жиноий иш қўзғатилади. Натижада Марям Султонмуродова беш йилга озодликдан маҳрум этилиб, Красноярскдаги камокхонага жўнатилади.

Юрак хасталигига, пневмосклерозга йўлиққан шўрлик Марямхон шу тариқа яна беш йил ватани ва болалари дийдорига тўймай, маҳкумлик азобини тартади.

У 1957-йилнинг 10 майида бош прокурорга йўллаган хатида ўзига қўйилган айбларни асоссиз дея ҳисоблаб, уларни рад қилади:

«Мени айблашларича, гўё мен Берлинда бўлган вақтимда «Озод Туркистон» аксил-инкилобий жосуслик ташкилоти аъзоси бўлиб, шу ташкилотнинг топшириги билан Германия фойдасига жосуслик ишлари олиб борган эмишман.

Мен ҳеч қачон бирорта аксилинкилобий ташкилотнинг аъзоси бўлган эмасман! «Озод

Туркистон» деган ташкилотнинг борлигини мен биринчи бор тергов вақтидагина эшитдим.

Менинг билишимча, 1922-йил Бухоро ва Туркистон Жумҳуриятларидан олтмишга яқин киши Германияга ўқишга юборилган эди. Ўша йилнинг кузида Хоразм раҳбарлари қарори билан мен ҳам шу сафга кўшилдим. Менга энди бизнинг олдимизда Европа фан-техникасини қувиб етиш ва ўзиб кетиш вазифаси турганлигини айтишганларидан кейин мен у ерда ўқишга розилик берган эдим.

1922-йилдан то 1924-йил бошларигача Берлинда бўлдим, кейин Дармштатга ўқишга кетдим. Шунинг учун мен ўзимнинг талабаларимиз билан кам муносабатда бўлар ва кўплари билан шахсан таниш ҳам эмас эдим. Ўша вақтларда мазкур талабаларни «Туркистон талабалари жамияти» номи ҳам-юртлар жамияти бирлаштириб туришини билардим. Бу юртдошлик мазмунидаги очик ташкилот бўлиб, унинг фаолияти давлатимизнинг воситачилиги билан боғланган эди. Кейинчалик бу уюшмани Германиядаги бутун Советлар Иттифоқи талабалари уюмаси билан бирлаштирдилар. Бундан бошқа яна қандай талабалар уюмаси бўлганлиги менга сира маълум эмас. Мени Тошкентга келган вақтимда аллақандай Энгланц номи профессор орқали жосуслик ишларини олиб борганликда айбладилар. Бу тухмат! Мен ҳеч қачон бундай одам билан таниш бўлмаганман. Шундай одамнинг борлигини ҳам биринчи бор терговчидан эшитдим.

Мен душманга қандай маълумот бердим ва у қандай амалга оширилди? Бундай айбнинг тасдиғи учун бирорта фактик далил ва гувоҳлар кўрсатилмади. Менга нисбатан сохта гувоҳлик берган одам билан эса юзма-юз қилишни рад этишди. Шунинг ўзи менга қўйилган айбнинг ёлгон ва сохталигини кўрсатиб турибди...»

Ха, гарчи у 1954-йил муддатни ўтаб қайтган бўлса-да, айби йўқлиги учун ўзидан «халқ душмани» тамғасининг олиб ташланишини истарди.

Нихоят, Марям Султонмуродованинг иши олий суд ҳарбий хайъатида полковник Лихачев томонидан қўриб чиқилиб, 1957-йил 2 августда унга қўйилган барча айблар бекор қилинди.

Таъкибу тазйикларда кечган умр

Хорижда илм олиб қайтган, юртга фойдам тегсин, ўлкам истикболига хизмат қилайин, деган аёлнинг ўн беш йиллик умри турма азобларида ўтди. Энди Маряхон ўз қишлоғида ҳамширалик қила бошлайди.

Бундай қараганда, у ўз қишлоғига қайтиб, тинчгина ҳамширалик қилгандек. Аммо Марям Султонмуродова қамокхонадан озод этилган бўлса-да, таъқиблардан бутунлай эркин юролмасди.

У журналист ҳам бўлиб ишлагани учун ўша ситамли йилларда кечирган қарқинларини қамқат қозғоғида тўқиб қолганди:

«Жоним азобда қолди. Юрагимни очиб сўзлайдиган қимсам йўқ. Қалбимни қозғоғида тўқиб қолмоқчиман. Шу ниятда қўлимга қалам олдим. Меним виждоним қолди. Мен қилиб, виждон билан меҳнат қилардим. Аммо, ҳеч қачон қишлоқ қилмаган эсамда, мени яна

камоқхонага ташладилар. О, канчалар азобда колганимни билсалар эди...

1954-йилда яна юртимга кайтиб келдим ва Урганчнинг Корамон кишлоғида ишлай бошладим. Бу ерда ҳам атрофимни ўшандай жохил одамлар куршади ва менга аввалгидай азоб бериб, мазах кила бошлашди. Уларнинг баъзилари менинг такдирим уларнинг кўлида эканини англатиб кўйишга уринса, бошқалари мен билан яқинлашишга, дўстлашишга ҳаракат қилишарди. Ўзларини яқин кўрсатиш учун ҳар хил гаплар қилишарди. Масалан, бир киши менинг сиёсат билан кизикиш-кизикмаслигим, газета ўқиш-ўқимаслигимни суриштирганларини сўзлади.

Суриштира суриштираверишсин, менинг ҳеч қандай ёмон одамлар билан ошначилигим йўқ. Ҳокимиятга қарши бирор ёмонлик қилиш ҳаёлимга ҳам келмайди. Мен билан кизикишса кизикаверишсин. Бу уларнинг иши.

Аммо, барибир, алам қиларкан кишига. Одамлардан уяларкансан. Бу алпозда яшамок канчалар огир!

Менга болаликдан, виждонли инсон ҳалқи ва давлати дардига малҳам бўлмоғи керак, деб ўргатишарди. У ўз ватанининг ижтимоий ҳаёти билан кизикмоғи, ҳукуматнинг мақсади ва вазифалари нимадан иборатлигини билмоғи керак, дейишарди. Акс ҳолда, у юртининг ҳақиқий фуқароси бўлолмайди.

Матбуот - ижтимоий ҳаёт мактабидир!

Матбуот - қишлоқларни олға ундовчи байроқ!

Шундай экан, менинг нега газета ўқишим мумкин эмаслигини тушуна олмайман. Она юртида нима бўлаётганидан бехабар киши унга қандай хизмат қила олади, ўз халқига қандай фойда келтира олади?

Лекин шундай деб суриштираётган бўлишса, демак, ҳақиқатдан газета ўқимаслигим керакдур, дедим-да, уч йил мобайнида кўлимга газета ва журнал ушламадим. Лекин бундан сўнг ҳам менга ўша-ўша муносабатда бўлишгач, ҳато қилаётганимни, мени барибир ўз ҳолимга қўймасликларини англадим, бўлганича бўлар, деб қўл силтадим. Қеласи 1960-йил учун кўпгина газета ва журналларга обуна бўлдим.

1957-йилда мени оқлашган. Мендан бахтли одам йўқ эди. Ахийри орзуим ушалди! О, менинг хурсанд бўлганларим...

Лекин афсус, кўп ўтмай ихлосим қайтди. Мен ҳамон назорат остида эканлигимни, шармисорлик тамғасининг юқи ҳамон босиб ётганлигини англадим. Ўзлигини пастга уришларини ҳис этишдан ортиқ алам йўқ оламда. О, бу канчалар огир!

Агарда менга юқоридан, масҳаромуз қараётган мана шу қимсалар мендан яхшироқ ва мендан покроқ бўлишганда-ку, балки бу ҳолга чиқардим. Лекин асло ундай эмас эди. Аксинча, уларнинг бири чайқовчилик, ичкиликбозлик, бузуклик қиларди. Иккинчиси, бировнинг эрини тортиб олган, фарзандини отасиз қолдирган эди. Ўз юрти қонунларини ҳурмат қилмаган қимсани виждонли киши деб бўладими, унга ишониб бўладими? Виждон қонунини писанд қилмаган, бошқаларнинг кўз ёшларини оқизган қимсани инсон деб бўладими?

Ҳақиқий инсон ҳамма ерда: ҳаётда ҳам, ишда ҳам соф виждонли бўлмоғи даркор.

Ўзлари аслида чиркин табиатли, пасткаш одамлар мени кўркитишар, осуда ҳаётимни заҳарлашга уринишарди. Бир қуни ўша аёл гўё менга ачинган бўлиб, ўғлимни ишончлироқ жойга жойлаштиришни маслаҳат берди, «Қим қилади, ҳали бошингизга не савдолар тушади», деди. Мен унга ўғлим ҳали ёш бола, менга бирор қори ҳол бўлишига ақлим бовар қилмайди, дедим-да, хотиржам ишлай бошладим. Шунда у истехзоли тиржайиб: «Жуда иродангиз қучли экан», - деди.

Хеч бўлмаса мана шу кимсалар мени тинч қўйишса эди, қўнглимга гулу солишмаса эди. Йўк, улар менга сира тинчлик беришмас, оловга мой қуйишарди. Менга ўзларини якин қўрсатиб, ҳар нималарни очик гапирган бўлиб, қандай мақсадни қўзлашяпти экан? Мендан бирга ишлаган ҳамкасбларим ҳақида суриштирганида бир аёлнинг номини тилга олгандим. Орадан бир мунча вақт ўтгач у менга:

- Афсус, улар сизни тинч қўймайдиган қўринади, - деди.

Яқинда эса, орамиз бузилиб қолганда:

- Шунини билиб қўйингки, тақдирингиз менга жудаям боғлиқ! - деди зарда билан.

Ҳар кимса қайфиятига қараб мен билан хоҳлаганича гаплашиши мумкин экан-у, мен тилимни тийиб, индамаслигим керак...

Ҳамма вақт шундай. Хатто ҳамширалик мактабида ҳам бир киши бўлгучи эди. Қаерга борсам рўпарамдан чиқаверарди. Нахотки мен шунчалар ҳавфли жиноятчи бўлсам, наинки мени назорат қилиш учун бутун бошли штат белгиланса? Нахотки шундай қилишга улар ҳақли бўлсалар? Давлат манфаати мени назорат остида тутишни талаб қилди дейлик, нега улар буни намойиш қиладилар? Нега энди мен буни билиб туришим керак? Ёки мени қўрқитишмоқчими? Нега? Агар менинг поқлигимга заррача бўлсада ишончсизлик бўлса, мени оқламасликлари мумкин эди-ку?!

Мана шундай ҳаёллар мени қийнайди. Жоним азобда қолди.

Мен бутун умр виждон билан яшадим ва меҳнат қилдим. Ҳаётимда бир бор беихтиёр қокилган бўлсам, нахотки қайта-қайта йикитиш, қайтиб қад ростлай олмайдиган қилиб ташлаш керак? Нахотки менга қўл қўзиб тўғри йўлга бошлаш мумкин эмас? Нахотки мени ҳам ҳалқимизга хизмат қилиш учун барча қатори тўғри йўлга бошлаш мумкин эмас? Нега энди меним қилдираган қалбимни илик қўз билан, дўстона эътибор билан иситиш мумкин эмас?...»

Ҳа, совет давридаги мустамлақачилик йилларида Марям Султонмуродованинг умри ана шундай таъқиблар, таъйиклар билан кечди. Ҳоразмнинг бу жафоқаш қизи 1971-йилда оламдан ўтди.

Марям Султонмуродова қаламига мансуб қўплаб мақола ва очерклар, «Меҳр қўзда», «Қутилмаган бахт», «Қалбим нидоси», «Раҳмат десинлар», «Маҷнунтол», «Қарвонлар қелганда», «Бетамиз йигит» сарлавҳали ҳикоялар бу аёлнинг юксак иқтидоридан дарак беради. Агарда Марям Султонмуродова ўн беш йил ноҳақ қаттагон даври жабрини тортмаганида, бундан-да яхшироқ, бундан-да савияли асарлар битган бўлармиди... Аммо шундай бўлса-да, Марям Султонмуродова илм-маърифат фидоийси, бардошли журналист, меҳрли ҳамшира сифатида юртдошлари қалбида мангу қолди.

Муаллиф: Умид БЕКМУХАММАД